



онага, яқин қариндошга, етимларга, мискинларга, яқин қўшнига, ён қўшнига, ёндаги соҳибга, йўқсил йўлчига ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглари. Албатта, Аллоҳ димоғдор ва мақтанчоқ кимсани суймас» (Нисо сураси, 36-оят).

Исломда ота-онага яхшилик қилиш катта иш, эътиборга молик амал экани ҳаммага маълум. Ҳар бир инсоннинг дунёга келишига сабаб бўлган бу улуғ зотларнинг ўз фарзандларидаги ҳақлари, фарзандларнинг ота-она олдигаги бурчлари ҳақида Қуръони Каримда ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида келган таълимотлардек олиймақом таълимотлар инсоният тарихида ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафада кўрилмаган!

Дунёда мусулмонларчалик ота-онасини ҳурмат қиладиган халқ, миллат ҳам бўлмаган! Ушбу оятда ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзининг тавҳидидан сўнг бевосита ота-онага яхшилик қилишга буюрмоқда.

Бошқа бир оятда:

اَلْفُؤْمُوعِبَادِكَلَسُوِيَامِيَبِكُرْسُوِيَلِكَاوَاَنسُوِيَلَاَنِيصَوُو  
نَوُوْمَعَتُوْمُنُوَاَمَبِكُوِيَبُنُوَاَفُوْمُوَعُوْمِيَلَاَمُوَعَطُو

«Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сенинг ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун ижтиҳод қилсалар, бас, уларга итоат қилма. Қайтишларингиз Менгадир. Бас, сизларга қилган нарсаларингизнинг хабарини берурман» (Анкабут сураси 8-оят).

Демак, ота-она номига сазовор бўлган шахс борки, динимизда улар эҳтиромга лойиқ зотлар сифатида қадрланади. Ота-онани рози қилиш бу дунёда ҳам, охирада ҳам фақат ва фақат яхшиликка сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизга ота-оналаримизни рози қилиб, Ўзининг розилигига эришмоғимизни насиб қилсин!

Фойдаланилган манбалар:

«Тафсири Ҳилол» китоби

Muslim.uz сайти

Tribuna.uz телеграм канали